

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МУХАМЕДОВА НУРХОН ХАЛИМОВНА

АЁЛЛАРДА МЕНОПАУЗАДАН ОЛДИНГИ ВА КЕЙИНГИ ДАВРИДА
МЕТАБОЛИК СИНДРОМНИ ТАШХИСЛАШГА
ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАНГАН ЁНДАШУВ

14.00.25 – Клиник-лаборатор ва функционал диагностика

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Мухамедова Нурхон Халимовна

Аёлларда менопаузадан олдинги ва кейинги даврида метаболик синдромни таъхислашга дифференциалланган ёндашув.....

3

Мухамедова Нурхон Халимовна

Дифференцированный подход к диагностике метаболического синдрома у женщин в пре – и постменопаузальном периоде.....

24

Mukhamedova Nukhan Halimovna

Differentiated approach to the diagnosis of metabolic syndrome in women in pre and postmenopausal period.....

46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

52

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1. DSc/Tib103 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг [www. tma.uz](http://www.tma.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Хаджиметов Абдугафур Ахатович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арипов Абдумалик Нигматович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ишигов Ибрагим Агаевич (Қозоғистон)
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Султанов Саидазим Носирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Россия тиббиёт узлуксиз касбий таълим академияси (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «_____» _____соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109. Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871), 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru; Тошкент тиббиёт академияси мажлислар зали)

Докторлик (DSc) диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109. Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2017 йил «__»_____да тарқатилди.
(2017 йил «__»_____даги __ рақамли реестр баённомаси).

А. Г. Гадаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Б. Х. Шагазатова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

А. Л. Аляви
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (БЖССТ) маълумотларига кўра, метаболик синдром (МС) касаллиги ўзининг кенг тарқалганлиги ва ўлим даражасининг юқорилиги билан глобал тиббий-ижтимоий муаммо ҳисобланади. Бугунги кунда ортиқча семизликнинг тарқалиши, айниқса, иқтисодий ривожланган мамлакатларда эпидемия тусини олмоқда. «Халқаро абдоминал семизликни баҳолаш куни» тадқиқотларининг маълумотлари 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган 168000 аҳолининг 24% эркак, 27% аёлида семизлик (ИМТ>30), 40% эркак, 30% аёлида ортиқча тана вазни (25>ИМТ<30) мавжудлигини кўрсатади. Аналитикларнинг тахминига кўра, 2025 йилга келиб жаҳонда семизлик билан оғриган беморлар сони икки марта кўпайиб, 40% эркак ва 50% аёл мазкур касалликка дучор бўлади¹.

Жаҳон миқёсида метаболик синдромнинг клиник компонентларида оптимал даволаш ва олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш эътиборлидир. Шу сабабли МС бошқарувнинг нейрогуморал, вегетатив, яллиғланувчи омиллари билан намоён бўлган патогенетик ўзаро боғлиқлик аспектларининг қайд этилиши дифференциялашган терапияни янада мақбуллаштириш талаб этилмоқда. Юрак қон-томирлар ремоделланиш жараёнининг инсулинемиянинг прооксидант аҳамияти билан ўзаро боғлиқлигини аниқлашга йўналтирилган комплекс изланишларни олиб бориш, шунингдек, метаболик синдром оқибатида юзага келадиган ўзгаришларни босқичли эрта ташхисот мезонларини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан биридир.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан мамлакатимизда, аҳолига тубдан янги, сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш бўйича аниқ мақсадли тадбирлар амалга оширилди, соғлиқни сақлашда самарадор моделлар татбиқ этилиб, ижобий натижаларга эришилди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида клиник-лаборатор ва функционал ташхислаш тизими ҳам юқори даражага кўтарилди. Шулар билан бир қаторда соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор муаммолар мавжуд. Улар орасида аёллардаги менопауза даврда метаболик синдром касалликларини келиб чиқиши ва эрта аниқлашга янгича ёндашувлар ва профилактикасини амалга ошириш муҳимдир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари Стратегияси²да «оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада амалга ошириш» белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳоли саломатлигини мустаҳ-

¹Консенсус: Россия Федерацияси метаболик синдроми тарифи, диагностик мезонлари, асосий олдини олиш ва даволаш Россия экспертлари //Consilium Medicum, 2015.- т12. - № 5. – С.5-11.

²2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

камлаш ва ортиқча тана вазни ва семириш ҳоллари кўпайишининг олдини олиш, айниқса беморларда кузатиладиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да, 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чоралари ҳақида»ги, 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Аёлларда менопауза давридаги МС асоратларини эрта ташхислаш натижаларининг саморадорлигини оширишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, National Heart, Lung and Blood Institute, American Heart Association, Cardiovascular Research Center (АҚШ); World Heart Federation (Швейцария); International Association for the Study of Obesity (Италия); International Diabetic Federation (Бельгия); UKP Rospective Diabetes Study Group (Буюк Британия); Cardiovascular Institute (Франция); Россия кардиология илмий-ишлаб чиқариш мажмуаси, Федерал эндокринология илмий маркази (Россия Федерацияси); Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

МСни эрта ташхислашга доир жаҳонда олиб борилиши тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: метаболик синдром патогенезининг бирламчи бўғини абдоминал семизлик (АС), инсулинрезистентлик (ИР) кўрсаткичларнинг ўзгариши ва липид алмашинувининг бузилиши ҳолатлари аниқланган (National Heart, Lung and Blood Institute, STOP-NIDDM Trial Research Group, International Atherosclerosis Society АҚШ); метаболик синдром ривожланишининг генетик омиллари асосланган (American College of Endocrinology; МС ривожланиши ва авж нуктасига етишида эндотелий дисфункцияси маркерларининг, аҳамияти асосланган (American College of Cardiology, АҚШ); МСни эрта ташхислаш дара-

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://heart.org>, <http://www.world-heart-federation.org>, <http://university of california>, <http://www.sio-obesita.org>, <http://www.idf.org>, <http://smr.krasdmu.ru> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

жасининг фақат 22-25% ҳолатда МС клиник белгиларини ўз вақтида аниқлаш мумкинлиги очиб берилган (National Heart, Lung and Blood Institute, АҚШ); хасталикни башоратлаш ва оғирлик даражасини белгиловчи ассоциаланган касалликлар аниқланган (American Heart Association, АҚШ; World Heart Federation, Швейцария).

Дунёда аёлларда менопауза давридаги МСни эрта ташҳислаш ва даволашни оптималлаштириш муаммоларини очиб бериш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: лептин ва инсулинрезистентлик адренергик дисбалансини аниқлаш; эндотелий дисфункцияси ремоделланишининг эрта ташҳислаш усулларини аниқлашни такомиллаштириш; аёлларда менопауза давридаги МСни бартараф қилишга қаратилган ёғ тўқимаси гормонлари меъёрий хусусиятларини аниқлаш; МСли аёлларда менопаузадан олдин ва кейинги давридаги асоратларни эрта ташҳислашнинг юқори самарали усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Америкалик олим ва терапевт G. Reaven X синдроми тавсифланган сўнгги 28 йил давомида МС касаллиги фаол ўрганилмоқда. Жумладан, жаҳоннинг (Abe A. et al., 2010; Albert K. G., Eckel, Grundy S. M. et al., 2009; Santoro, 2012) каби ушбу муаммога бағишланган илмий изланишларида МСнинг патогенези ва ташҳисланиши борасидаги маълумотларнинг кўп ҳолларда бири иккинчисига зид бўлганлигича қолаётганлиги, касалликнинг янгидан-янги манбалари аниқланаётганлиги қайд этилган. Мазкур муаммолар МС асосий компонентларининг шаклланиш механизмлари тўлиқ аниқланмагани, қолаверса, касалликнинг эрта босқичларида ташҳислаш имконининг мураккаблиги билан ҳам боғлиқ ҳисобланади (Mottilo S., et al., 2010; Chubenko E.A., 2009; Бокарев И. Н., 2014).

Ababasi F., Strasser B., 2013; Дедов И., Шестакова М. В., 2014; Мамедов М. Н., 2011; Қаюмов У.Қ., 2012; Қурбонов Р.Д., ва ҳаммуаллифлар, (2012) ва бошқаларнинг фикрича, МС ривожланиши бирламчи бўғинининг патогенези тўлиқ аниқланмаган. МС ривожланишида нейрогуморал омиллар (Abel E. D., 2012), ўзига хос бўлмаган яллиғланиш ва у билан боғлиқ метаболик ва структур вазифа бузилишлари ҳамда комплекс даволаш таъсирида бу жараёнларнинг қай даражада қайта тикланиши каби муаммоларни янгитдан кўриб чиқишни тақозо этади (Safar M. E., 2013; Landsberg L., 2013).

Метаболик синдромни эрта ташҳислаш ва башоратлашнинг асосий мезонларини такомиллаштирилмаган инсулинрезистентлик шароитида МСга олиб келувчи адреналин дисбаланси симпато-адренал тизимининг сурункали гиперфаоллигига олиб келувчи патогенетик аспекти етарлича асосланмаган, юрак ва қон-томир ремоделланишининг сабаблари очиб берилмаган (Straznicki N. E., 2013).

Республикамизда МС муаммолари бўйича У.Қ. Қаюмовнинг (2012) таъкидлашича, Ўзбекистон акушер-гинеколог ва терапевтларининг асосий вазифаларидан бири МСнинг асосий компонентлари, унга боғлиқ касалликларда ўлим ҳолатларини камайтириш бўлиб, бунда, айниқса, менопауза давридаги аёлларда метаболик гормонал бузилишлар кўп кузатилган. Шундай экан, МСнинг патогенез хусусиятларини эътиборга олиб, касалликнинг

олдини олиш ва даволашнинг оптималлаштирилган режаларини ишлаб чиқиш долзарб илмий–амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг «Асосий касалликларни ташхислаш ва даволаш, олдини олишнинг янги рационал усулларини излаш» (2011-2014 йй.) илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аёлларнинг олдинги ва кейинги менопауза даврида организмидаги метаболик бузилишларнинг механизмларини аниқлаш орқали босқичма-босқич эрта ташхислаш усулини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

метаболик синдром (МС) билан асоцирланган менопаузадан олдинги ва кейинги даврдаги аёлларда антропометрик кўрсаткичларни аниқлаш;

метаболик синдром билан асоцирланган менопауза давридаги аёлларда гиперурикемия хусусиятларини баҳолаш;

углевод алмашинуви, қондаги липидлар ва липидташувчи тизим динамикасини аниқлаш;

метаболик синдромли аёлларда менопауза давридаги қон плазмаси ва аралаш сўлак таркибидаги эстрадиол миқдори кўрсаткичларининг ўзига хослигини аниқлаш;

аёлларда менопаузадан олдинги ва кейинги даврларда холестатик синдромнинг ривожланиш хавфини баҳолаш;

ёғ тўқимаси гормонлари (лептин, адипонектин ва резистин) кўрсаткичларининг ўзгариш динамикасини аниқлаш;

метаболик синдромли аёлларнинг менопауза давридаги эндотелий дисфункцияси маркерлари ва гемостаз тизими кўрсаткичларининг башоратлаш аҳамиятини баҳолаш;

метаболик синдром билан асоцирланган менопауза давридаги аёлларда метаболик бузилишларни босқичма-босқич эрта ташхислашни кенг маълумотли лаборатор маркерларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида менопаузадан олдинги ва кейинги даврда метаболик синдроми бор 40-65 ёш оралиғидаги 128 нафар аёл ҳамда таққослаш ёшидаги (назорат гуруҳи) МСсиз 40 нафар аёл олинган.

Тадқиқотнинг предмети менопаузадан олдин ва кейинги даврда метаболик синдроми бор аёлларнинг қон ва сўлаги комплекс таҳлил материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотини амалга оширишда клиник, биокимёвий, иммунофермент, гематологик ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

менопауза давридаги аёлларда артериал гипертензиянинг ривожланишини башоратлашда томирлар эндотелий хужайралари функционал ўзгаришлари ва адгезив оқсиллар миқдорининг ортиши аниқланган;

антропометрик кўрсаткичлар билан қондаги лептин ва сўлакдаги эстра-

диол миқдорини аниқлаш орқали менопауза давридаги аёлларда семизликни башоратлаш тизими такомиллаштирилган;

аёлларда менопаузадан олдинги асоратлар ва салбий белгилар менопаузадан кейинги даврларда кучлироқ намоён бўлиши аниқланган;

менопауза давридаги аёлларда гемостаз тизимнинг томир-тромбоцитар бўғини, холестатик синдром ва тромбогеморрагик асоратлар ривожланиши орасида узвий алоқа мавжудлиги аниқланган;

менопауза давридаги аёлларда метаболик синдромни белгиларни прогностлашнинг эрта ёндашув механизми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

метаболик синдром билан асоцирланган менопаузадан олдин ва кейинги давридаги аёлларда скрининг ва комплекс текширувларни эътиборга олган ҳолда метаболик бузилишларни босқичма-босқич эрта ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган;

мазкур тадқиқот натижалари менопаузадан кейинги даврда метаболик синдром мавжуд аёлларда томирлар деворидаги яллиғланиш маркерлари, липид, углевод алмашинуви ўзгаришлари динамикаси ҳақидаги мавжуд тасавурларни чуқурлашиши таъминланган;

беморларни кейинги юритиш тактикаси учун қондаги эндотелин-1, гомоестин ва десквамацияланган эндотелиоцитлар концентрациясининг ташхисий аҳамияти аниқланган;

эндотелиал дисфункция, ёғ тўқимаси гормонлари кўрсаткичларини аниқлаш организмнинг турли тизимларидаги асоратларини ривожланишдаги хавф гуруҳларини аниқлаш учун қўшимча ахборот бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишда қўлланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи объектив клиник, биокимёвий, иммунофермент, иммунологик, функционал усуллар ва статистик усуллар билан тасдиқланган ҳамда етарли даражада беморларнинг сони, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган ҳулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, аёлларда менопаузадан олдинги ва кейинги даврида метаболик синдромни ташхислаш ва патогенезининг гетерогенлигини аниқлаш республикада келажакда, чуқур тадқиқотлар олиб боришга замин яратади. Менопаузадан олдинги ва кейинги даврида томирлар деворидаги яллиғланиш маркерлари, липид, углевод алмашинуви ўзгаришлари, қондаги эндотелин-1, гомоестин ва десквамацияланган эндотелиоцитлар концентрацияси динамикаси гемостаз тизимининг томир-тромбоцитар бўғини ва гепатобилиар тизим фаолияти ҳақидаги илмий тасавурларни тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти менопаузадан кейинги давридаги аёлларда метаболик бузилишларни ташхислашни патогенетик жиҳатдан асосланган чора-тадбирларини такомиллаштириш имконини ярат-

ган ҳамда менопауза давридаги аёлларни босқичма-босқич текширув алгоритми ишлаб чиқилган. Менопауза давридаги аёлларни ташҳислаш ва даволаш бўйича алоҳида натижалар шифокорлар учун қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Метаболик синдром патогенезининг нейрогуморал механизми ва терапевтик усуллари бўйича олинган илмий натижалари асосида:

«Фертил ва менопаузадан кейинги даврда аёллардаги метаболик синдромни дифференциал ташҳислаш усули» бўйича Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтиро патенти олинган (№IAP 20150226). Ушбу усул фертил ва менопаузадан кейинги даврда аёллардаги метаболик синдромни дифференциал ташҳислашда молекуляр биомаркерлар, инсулин резистентлик, гипергомоцистеинемия, углевод-липид алмашинувининг бузилишидаги ўзгаришлар аниқлаш ва ташҳислаш имконини берган;

аёлларда менопаузадан олдин ва кейинги даврда метаболик синдромни клиник-ташҳислаш мақсадида «Гемостаз тизими» услубий қўлланмаси ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 16 февралдаги №8н-п/405-сон маълумотномаси). Мазкур қўлланма аёлларда менопауза даврида ДВС синдром ривожланишини эрта аниқлаш чора-тадбирларини такомиллаштириш имконини берган;

«Метаболик синдром билан фертил ёшидаги аёлларда эндотелиал функция бузилишини ташҳислаш» услубий қўлланмаси ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 16 февралдаги №8н-п/405-сон маълумотномаси). Мазкур қўлланма аёлларда менопауза даврида эндотелий фаолиятининг бузилиши натижасида юзага келадиган ўзгаришларни эрта аниқлаш ва ташҳислаш имконини берган;

аёлларда менопаузадан олдин ва кейинги даврда метаболик синдромни дифференциал ташҳислаш ва унга янгича ёндашув асосида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси 2-3-клиникалари, Тошкент давлат стоматология институти клиникалари клиник-ташҳисот лабораториялари амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 30 январдаги №8н-д/3-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши аёлларда менопаузадан олдинги ва кейинги даврда метаболик синдромни ташҳислаш ва даволаш тактикасини белгилаш орқали, беморларнинг шифохонада даволаш муддатини 70,1% камайтириши ва уларнинг ҳаёт сифати даражасини яхшиланиш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 7 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иши чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 179 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Метаболик синдром ва унинг аёлларда менопаузадан олдинги ва кейинги даврларда кузатилиши борасидаги қарашлар»** деб номланган биринчи бобида мавжуд тадқиқотлар натижаларининг таҳлили, аёлларда менопаузадан олдинги ва кейинги даврларда МСнинг этиопатогенези, клиник кечиши, ташхисланиши, хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган. МС аёлларда менопаузадан олдинги ва кейинги даврларда МС семизлик ва инсулинга резистентликнинг ривожланиш предикторлари, менопаузадан олдинги ва кейинги даврларда аёлларда МСни ташхислашнинг замонавий усулларига бағишланган тадқиқотларнинг натижалари тизимлаштирилган, касалликнинг ҳал қилинмаган ёки аниқлаштирилиши тақозо қилинадиган жиҳатлари аниқланган.

Диссертациянинг **«Метаболик синдром ва унинг аёлларда менопаузадан олдинги ва кейинги даврларда клиник-функционал ташхислаш усуллари ва материаллари»** деб номланган иккинчи бобида қўлланилган материал ва тадқиқот олиб бориш услублари, фойдаланилган усуллар, шунингдек олинган маълумотлари қайта ишларда қўлланилган статистик усуллари келтирилган.

Иш МС билан 128 нафар аёлни тадқиқот натижаларига асосланган. Мазкур аёллар 2 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ менопаузадан олдинги даврдаги 40 нафар (37,0%) аёллар, 2-гуруҳ менопаузадан кейинги даврдаги 48 нафар (44,4%) аёл ва назорат гуруҳи сифатидда МСсиз, соғлом таққослаш ёшидаги 40 нафар аёл ташкил этади. Беморлар 40 ёшдан 65 ёшгача (текширилган аёлларнинг ўртача ёши— $54,4 \pm 9,1$). Тадқиқот Тошкент тиббиёт академиясининг 2-3-клиникаларида эндокринолог ҳамда акушер-гинекологлар билан биргаликда ўрганилган.

Текширувлар беморларнинг шикоятлари, анамнез йиғиш ва ЭКГ текширув натижалари асосида олиб борилган. Қон зардобидидаги умумий холестерин (ХС), ЗЮЛП ХС, ЗПЛП ХС, ЗЖПЛП ХС, гликирланган

гемоглобин ва сийдик кислотаси миқдорини аниқлашни қамраб олувчи қоннинг биокимёвий кўрсаткичларини ўрганиш «В-300 «SINNOWA» деб номланган Хитой фирмасининг биокимёвий анализаторида амалга оширилган, атерогенлик коэффициенти эса ҳисоблаш йўли билан аниқланган. Гормонал фон ва айнан инсулин, лептин ҳамда эстрадиолнинг миқдори «MINDRAY MR-96A» (Human) анализатори ёрдамида ўрганилган.

Менопауза даврида МСли аёлларнинг ҳолатини баҳолаш мақсадида клиник, антропометрик ва лаборатор кўрсаткичлар ўрганилди. Антропометрия биоимпедансометрия (БИА) усулида амалга оширилган бўлиб, унда тана вазни (ТВ), бўй узунлиги, бел (БА) ва сон айланаси (СА) ўлчанди. Тана вазни ҳамда бел ва сон айланаси индекси ҳисобланган.

Тадқиқот гуруҳига киритиш мезонлари қуйидагича:

1. МС мавжудлигини ташҳислаш мезонлари 2009 йилда Америка Юрак, Ўпка ва Қон Миллий Институти, Америка Юрак Ассоциацияси, Жаҳон Юрак Федерацияси, Халқаро Артеросклероз Жамияти, Халқаро Диабет Федерацияси ва бошқа семизликни ўрганувчи халқаро жамиятлар томонидан таклиф этилган. Шунга кўра, қуйида келтирилган бешта белгидан ҳар қандай учтаси мавжуд бўлган ҳолатда МС ташҳиси қўйилиши мумкин: гипертриглицеридемия (≥ 150 мг/дл ёки 1,7 ммоль/л) ёки тегишли даво ўтказилгандаги ТГнинг меъёрий кўрсаткичи; гипоальфахолестеринемия (< 50 мг/дл ёки 1,3 ммоль/л) ёки тегишли даво ўтказилгандаги ЗЮЛПнинг меъёрий кўрсаткичи; НТГ ёки БЖССТ мезонлари бўйича 2 тип қандли диабет; абдоминал-висцерал семизлик (Европа ирқига мансуб аёллар БА >80 см); АГ (АД $>130/85$ мм сим.уст. ёки гипотензив терапия).

2. Қуйидаги мезонлар бўйича ташҳисланган менопауза олди даврининг мавжудлиги: охирги ҳайздан кейинги муддатнинг 12 ойдан кўп бўлмаслиги; мунтазам ҳайз циклида климактерик синдромнинг ≥ 2 кўринишининг мавжудлиги.

Истисно ҳолат мезонлари:

оғир соматик касалликлар: буйрак, жигар, юрак ва нафас етишмовчилиги; анамнез йиғиш давомида аниқланган касалликлар: инсульт, инфаркт, онкологик касалликларнинг мавжудлиги, БЖССТ мезонлари бўйича 2 тур қандли диабетнинг субкомпенсирланган ва декомпенсирланган кечиши, аввал 2 тур ҚДнинг микротомир асоратлари ташҳисланган беморлар, қалқон-симон без фаолиятининг бузилиши, бирламчи оилавий гиперхолестеринемия, симптоматик артериал-гипертензиялар, чекиш ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш.


Диссертациянинг «МСли аёлларда менопауза олди ва кейинги даврида биокимёвий ва гематологик лаборатор кўрсаткичларнинг ташҳисий аҳамияти» деб номланган учинчи ва тўртинчи бобларида текширилган беморларнинг клиник-лаборатор тавсифи келтирилган.

Текширилган аёллар гуруҳларида ёш кўрсаткичлари бўйича сезиларли фарқлар аниқланди, менопаузадан олдинги даврдаги аёллар менопаузадан кейинги даврдаги аёлларга нисбатан анча ёш. Менопауза олди даври бу – тухумдон функцияларининг пасайиши бошланганидан менопаузагача бўлган

давр. Менопауза олди даври ўртача 45 ёшдан бошланади. Эндокринологик жихатдан мазкур давр тухумдон гормонал функциясининг пасайиши билан тавсифланади. Ҳайзнинг бир ҳафтадан бир неча ойгача тўхташи билан алмашинувчи мунтазам цикллار ушбу ҳолатнинг клиник ифодаси ҳисобланади. Менопауза олди даврнинг давомийлиги – ўртача 5 йилдан 10 йилгача. Менопаузадан кейинги давр менопаузадан сўнг бошланиб, аёлнинг ўлимигача давом этади. Мазкур фаза менопаузадан то тухумдон функцияларининг деярли тўлиқ тўхтагунича, яъни эстрогенлар миқдори кескин пасайгунга қадар давом этади.

Тадқиқотга киритилган барча беморларда метаболик синдромни шакллантирувчи касаллик ва бузилишлар комплекси мавжуд эканлиги кузатилди. Текширилганларнинг ярмидан кўпиди, яъни 58,0% ҳолатда МСнинг барча беш таркибий қисми (семизлик, қандли диабет, артериал гипертензия, дислипидемия, микроальбуминурия), 28% ҳолатда 4 та белги ва 14% ҳолатда 3 та белги комбинациялари қайд этилди.

Антропометрик текширувда БА(см), СА(см), уларнинг нисбати (БА/СА) ҳамда тана вазни индекси (ТВИ) баҳоланди.



1-расм. МСли аёлларнинг менопаузадан олди ва кейинги даври антропометрик кўрсаткичлари

МСли аёлларда менопаузадан кейинги даврда бел ҳажми 12,8%, сон ҳажми 8,4 см га катталашди, менопауза олди даврида у ёки бу томонга сезиларли ўзгаришлар қайд этилмади. Бел ҳажмининг сон ҳажмига нисбати ҳам ўртача 4,5% ошди. Менопаузадан кейинги даврда бел ва сон ҳажмининг ошиши менопауза даврига нисбатан тана вазни индексининг 12,9%га ошиши билан кечади, менопауза олди даврида эса кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 0,5% гача юқори бўлди (1-расм). Демак, менопауза даврида аёл организмдаги гормонал ўзгаришлар антропометрик кўрсаткичларда ўз аксини топиб, улар менопаузадан кейинги даврда кучлироқ ривожланди.


Менопауза даврида аёллардаги асосий компонентлар (семизлик, дислипидемия, углевод алмашинувининг бузилиши) таҳлили менопаузадан олдин ва кейинги даврларда ўрганилаётган барча моддалар алмашинуви жараёнларининг сезиларли ўзгаришини кўрсатди. МСли аёлларда семизлик даражаси

менопаузадан олдинги даврда 4,5 марта, менопаузадан кейинги даврда 5,8 марта ошади. Дислипидемия ҳолати таққослаш гуруҳига нисбатан менопаузадан олдин 12,0 марта, менопаузадан кейинги даврда эса 16,7 марта ошди. Ўхшаш тенденция углевод алмашинувининг бузилишига тааллуқли бўлиб, бунда менопаузадан олдинги даврда мазкур кўрсаткич назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 3,6 марта, менопаузадан кейинги даврда бўлса 8,5 марта юқорилиги аниқланди.

Олинган натижалар таҳлили менопаузадан кейинги даврда ортиқча тана вазни кўп кузатилигини кўрсатди: менопаузадан кейинги даврда II даражали семизлик, менопаузадан олдинги даврда I даражали семизлик энг кўп учради ва кейинчалик II ва III даражали семизликка нисбатан кескин камайди. Ўхшаш динамика таққослаш гуруҳида ҳам қайд этилди.

Менопаузадан кейинги даврдаги беморларга нисбатан менопаузадан кейинги даврда мос равишда 27,9%га қарши 16,3% ($P < 0,05$) ва 25,0%га қарши 12,6% ($P < 0,05$). Ортиқча тана вазни ва семизликнинг энг паст даражаси кўпроқ менопаузадан кейинги даврдаги МСли аёлларда учради: беш таркибий қисмдан иборат МСли асосий гуруҳ аёлларига нисбатан мос равишда 6,2%га қарши 27,9% ҳолатда ($P < 0,05$) ва 30,9%га қарши 43,2% ҳолатда ($P < 0,05$). Ўхшаш маълумотлар менопаузадан олдинги давр аёллар гуруҳида таҳлил қилинганда, унинг таркибида АГ мавжудлигидан қатъи назар, аҳамиятли фарқлар қайд этилмади.

С-реактив оксил миқдори баҳоланганда барча гуруҳларда мазкур кўрсаткичнинг референс қийматларга нисбатан юқорилиги қайд этилди. Аҳамиятли фарқлар фақатгина менопаузадан кейинги ва таққослаш гуруҳидаги аёллар гуруҳида аниқланди: $13,9 \pm 2,2$ мг/мл ва $7,24 \pm 2,2$ мг/мл ($P < 0,05$). Олинган маълумотлар менопаузадан кейинги даврда аёлларда СРО миқдорининг ошиши МС билан боғлиқ эканлигидан далолат берди (2-расм).



2-расм. МСли аёлларнинг менопаузадан олдинги ва кейинги давр биокимёвий кўрсаткичи (СРО, мг/мл)

МСли аёлларнинг менопауза даврида, биринчи навбатда, асосий биокимёвий кўрсаткичлар сифатида сийдик кислотасининг миқдор кўрсаткичига эътибор берилган. Ҳар иккала гуруҳ беморларида сийдик кислотасининг

миқдорий кўрсаткичларида аҳамиятли фарқлар мавжудлиги аниқланди: мос равишда $317,6 \pm 14,20$ мкмоль/л ва $359,9 \pm 15,20$ мкмоль/л ($P < 0,05$).

Қондаги глюкоза концентрацияси (оч қоринга) дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 36,5% аҳамиятли ошган ($P < 0,01$). Ўхшаш динамика юкловчи синамадан кейин ҳам аниқланди: глюкоза миқдори соғлом одамлар кўрсаткичларига нисбатан 26,8% юқори бўлди ($P < 0,001$). Қонда глюкоза миқдорининг ошиши қорин оч бўлганда қонда инсулин миқдорининг кўтарилиши билан кечган. МСли аёлларнинг менопаузадан олдинги даврдаги инсулин концентрацияси соғлом кишилар гуруҳига нисбатан ўртача 38,0% ошган. Юклама синамаси ҳам қонда инсулин концентрациясининг ўртача 2,7 марта ошиши билан бирга кечган ва $42,01 \pm 0,03$ мкЕД/мл га тенг бўлди ($P < 0,001$).

МСли аёлларда менопаузадан кейинги даврдаги углевод алмашинувининг динамикаси алоҳида эътиборга молик. Олинган натижалар таҳлили менопаузадан олдинги давр МСли аёллар гуруҳига нисбатан менопаузадан кейинги давр МСли аёллар гуруҳида глюкоза миқдорининг оч қоринга 41%га кўтарилганлигини кўрсатди. Юклама синамаси ҳам қондаги инсулин концентрациясига нисбатан қайд этилган динамикада боради. Менопаузадан кейинги даврда МСли аёлларда қондаги инсулин (қорин оч бўлганда) концентрацияси менопаузадан олдинги давр МСли аёлларнинг мазкур кўрсаткичларидан 1,5 марта кўп бўлган ($P < 0,05$). Гиперинсулинемия ҳолати юклама синамасидан кейин ҳам қайд этилди. Қондаги инсулин миқдори таққослаш гуруҳи кўрсаткичларидан 3 марта кўп бўлган ($P < 0,05$). Бунда иккала гуруҳдаги инсулинрезистентлик индекси дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 2 марта юқори эканлиги кузатилди. Демак менопаузадан кейинги даврда МСли аёлларда гиперинсулинемия ҳолати қайд этилди.


Таққослаш гуруҳида ва менопаузадан кейинги даврдаги беморларда аввалдан углевод алмашинуви бузилишининг мавжудлиги тахмин қилинди, лекин менопаузадан кейинги даврдаги беморларда НТГ ва 2-тур ҚД кўпроқ аниқланди: мос равишда 25,0%га қарама-қарши 18,6% ($P < 0,05$) ва 50,0%га қарама-қарши 16,3% ($P < 0,05$). Менопаузадан олдинги гуруҳ беморларида углевод алмашинуви 17 нафар (28,3%) аёлда аниқланди. Углевод алмашинуви бузилишларининг турлари таҳлил қилинганда таққослаш гуруҳи ва менопаузадан олдинги даврдаги аёллар кўрсаткичларида аҳамиятли фарқлар қайд этилмади.

МСли аёлларда менопаузадан олдинги даврда қондаги умумий холестерин миқдори таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 20,5% ошди ва ўртача $6,18 \pm 0,24$ мМоль/л га тенг бўлди ($P < 0,01$). Ўхшаш динамика қон плазмасидаги триглицеридларда ҳам қайд этилди ва унинг миқдори дастлабки қийматларга нисбатан 44,4% ошди ($P < 0,001$). Менопаузадан олдинги даврда МСли аёлларда юқори зичликдаги липопротеидларга нисбатан бошқача динамика кузатилди. ЮЗЛП ХСмиқдори таққослаш гуруҳи қийматлари доирасида ўрганилган.

ЮЗЛП ХСмиқдори менопаузадан олдинги давр аёлларида таққослаш гуруҳига нисбатан 3,9%га ошди. КЗЛП ХСга нисбатан бошқача динамика қайд этилган: мазкур кўрсаткич менопаузадан олдинги давр аёлларида дастлабки

кийматларга нисбатан 9,1%га ошди ва ўртача $2,76 \pm 0,47$ мМоль/л га тенг бўлган. Ўхшаш динамика ЖКЗЛП ХС кўрсаткичларига нисбатан ҳам қайд этилди, бунда кўрсаткичлар ўртача $0,64 \pm 0,07$ мМоль/л га тенг, яъни таққослаш гуруҳи кўрсаткичларидан 12,3% юқори бўлди (3-расм).

ЮЗЛП ХС миқдори менопаузадан кейинги даврдаги аёлларда таққослаш гуруҳига нисбатан пасайди. КЗЛП ХСга нисбатан бошқачароқ динамика аниқланган. Унинг кўрсаткичлари менопаузадан кейинги даврда аёлларда таққослаш гуруҳидаги дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 11,0% юқори ва ўртача $2,81 \pm 0,12$ мМоль/л га тенг. Ўхшаш динамика ЖКЗЛП ХС динамикасида ҳам кузатилди, мазкур кўрсаткич ўртача $0,78 \pm 0,05$ мМоль/л ни ташкил қилиб, таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 36,8% юқори берди.



3-расм. МСли аёлларнинг менопаузадан олдинги ва кейинги давр липидограмма кўрсаткичлари (ммоль/л)

Турли даврларда кузатиладиган ҳайз цикли бузилишлари эстрадиол кўрсаткичлари турғун бўлган ҳолда фолликулостимулланган гормон миқдорининг ошиши орқали фолликуляр фазанинг чўзилиши билан боғлиқ бўлган.

Аёлларда менопаузадан олдинги даврда қондаги эстрадиол миқдори соғлом аёллардагига нисбатан қон плазмасида 3,0%, аралаш сўлакда 5,0% камайди. Менопаузадан кейинги даврнинг бошланиши билан эстрадиолнинг концентрацияси қон плазмасида 94,9% ($P < 0,001$), аралаш сўлакда 62,4% ($P < 0,001$) пасайди.

МС ли аёлларда менопаузадан олдинги даврда қондаги ФСГ миқдори 1,75 марта ошган ва таққослаш гуруҳидаги $16,84 \pm 1,08$ мЕД/мл га қарши $29,53 \pm 1,74$ мЕД/мл ни ташкил қилади ($P < 0,001$). Эстрадиол кўрсаткичлари МСли аёлларда менопаузадан олдинги даврда бирмунча пасайган, яъни ўртача 6% пасайиш тенденциясига эга бўлди.


МСли аёлларда менопаузадан кейинги даврда қондаги ФСГ миқдори 1,9 марта ошган ва таққослаш гуруҳидаги $16,84 \pm 1,08$ мЕД/мл га қарши

32,0±2,71 мЕД/мл ни ташкил қилади (P<0,001). Эстрадиол кўрсаткичлари менопаузадан олдинги даврда ўртача 51,0% пасайиш тенденцияси кузатилди.

ЛГга нисбатан бошқача динамика қайд этилди, унинг концентрацияси дастлабки кўрсаткичлардан 49,6% юқори бўлиб, 13,4±0,89 пМоль/л ни ташкил қилади (P<0,001).

МСли аёлларда ушбу даврда тестостерон концентрацияси сезиларли пасайди, шу билан бирга, тухумдонлар аксарият аёлларда менопаузагача бўлган даврда нисбатан бирмунча кўп (17,0%) тестостерон ажратади. Андростен-дион миқдори соғлом аёлларга нисбатан МСли аёлларда менопаузадан кейинги даврда ўртача 46,0% камайди.

МСли аёлларда менопаузадан олдинги даврда қон плазмасидаги адипонектин концентрацияси ошиб, таққослаш гуруҳи натижаларига нисбатан ўртача 5,2 марта юқори бўлди (P<0,001). Адипонектин кўрсаткичида эса бошқача динамика қайд этилди, яъни МСли аёллар гуруҳида қондаги адипонектин концентрацияси ўртача 5,89±0,44 мкг/мл га тенг ва таққослаш гуруҳидаги дастлабки кўрсаткичлардан 43,0% паст бўлди (P<0,001). Резистин динамикаси лептин кўрсаткичлари динамикасига ўхшаш. Менопаузадан олдинги даврда МСли аёллар гуруҳида қон плазмасидаги резистин концентрацияси таққослаш гуруҳига нисбатан 1,8 марта юқори бўлди (P<0,001) (4-расм).



4-расм. МСли аёлларда ёғ тўқимасининг менопаузадан олдинги ва кейинги даврига хос гормонал кўрсаткичлари (нг/мл)

МСли аёлларда менопаузадан кейинги даврда қон плазмасида лептин концентрацияси ўртача 6,5 марта ошган (P<0,001). Адипонектин кўрсаткичларига нисбатан эса бошқача динамика кузатилган, текширув гуруҳларида унинг концентрацияси ишонарли фарқланган. МСли аёлларда менопаузадан кейинги даврда адипонектин концентрацияси 3,24±2,13 мкг/мл га тенг бўлиб, бу кўрсаткич таққослаш гуруҳи кўрсаткичидан 68,7% паст. Резистин динамикаси лептин кўрсаткичлари динамикасига ўхшаш. Қон плазмасидаги резистин концентрацияси назорат гуруҳига нисбатан 2,0 марта юқори.

МСли аёлларда менопаузадан олдинги даврда қон плазмасида десквамацияланган эндотелиоцитлар миқдорининг соғлом аёллардагига нисбатан 2,3 марта ишонарли ошиши кузатилган ($P<0,05$). Виллебранд омили концентрацияси таққослаш гуруҳига нисбатан ўртача 23,2% юқори. Қон плазмасида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан фибронектин миқдори 51,6%, фибриноген эса 35,3% ошган ($P<0,001$) (1-жадвал).

Эндотелиоцитлар дисфункцияси плазмоген-І фаоллаштирувчи ингибитори миқдорининг ошиши билан бирга кечиб, унинг концентрацияси МСли аёлларда менопаузадан олдинги даврда ўртача $10,8\pm 0,89$ ед/мл га тенг, бу эса таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 4,3 марта юқори. ИАП-1 нинг юқори қийматлари фаоллаштирувчиси тромбомодулин ҳисобланган протеин С синтези ҳисобига фибринолиз жараёнини кучайишига олиб келмади. Тромбомодулин ва протеин С кўрсаткичлари таққослаш гуруҳи кўрсаткичлари доирасида кузатилган.

1-жадвал

Менопаузадан олдин ва кейинги даврда МСли аёлларда эндотелийнинг дисфункцияси ва жароҳатланиши маркери кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Таққослаш гуруҳи (n=14)	Менопаузадан олдинги даврда(n=40)	Менопаузадан кейинги даврда(n=48)
Қон плазмасидаги десквамацияланган эндотелиоцитлар $I \times 10^4$ /л	$2,03\pm 0,17$	$4,58\pm 0,33^{***}$	$5,64\pm 0,43^{***}$
Виллебранд омили, %	$93,21\pm 7,14$	$114,8\pm 9,51$	$127,1\pm 8,011^{**}$
Фибронектин, мкг/мл	$108,4\pm 8,71$	$164,3\pm 7,64^{***}$	$81,3\pm 11,32$
Плазминоген - І ИАП-І фаоллаштирувчи ингибитори, бирл./мл	$2,54\pm 0,14$	$10,8\pm 0,89^{***}$	$14,9\pm 0,89^{***}$
Тромбомодулиннг/мл	$4,01\pm 0,08$	$3,48\pm 0,14^{**}$	$3,94\pm 0,21$
Протеин С бирл/мл	$0,94\pm 0,09$	$0,82\pm 0,07$	$0,88\pm 0,08$
Эндотелин - 1 пМоль/л	$2,13\pm 0,12$	$3,57\pm 0,18^{***}$	$2,71\pm 0,18^{**}$
Аннексин А5ммоль /л	$1,34\pm 0,11$	$2,53\pm 0,17^{***}$	$14,9\pm 0,89^{***}$
Плазминоген фаоллаштирувчи (t-ра), бирл./мл	$0,13\pm 0,01$	$0,07\pm 0,02^{**}$	$0,04\pm 0,01^{***}$
Фибриноген, г/л	$3,09\pm 0,14$	$4,18\pm 0,24^{***}$	$4,42\pm 0,38^{**}$
Гомоцистеин мк, моль/л	$9,82\pm 0,74$	$12,71\pm 0,93^*$	$16,3\pm 0,91^{***}$

Изоҳ: * –фарқлар таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* – $P<0,05$, ** – $P<0,01$, *** – $P<0,001$)

МСли аёлларда менопаузадан кейинги даврда қон плазмасида десквамацияланган эндотелиоцитлар сониниг соғлом аёллардагига нисбатан 2,8 марта ишонарли ошиши қайд этилди ($P < 0,001$). Виллебранд омили концентрацияси эса таққослаш гуруҳига нисбатан ўртача 36,4% кўтарилади.

Текширилган беморлар қон плазмасида фибриноектин миқдори дастлабки кўрсаткичга нисбатан 67,2% ($P < 0,001$), фибриноген миқдори эса 43,0% юқори ($P < 0,01$). Демак, МСли аёлларда менопаузадан кейинги даврда нафақат томирлар эндотелий хужайраларининг дисфункцияси, шу билан бирга адгезив омилларнинг ошиши ҳисобига тромбоцитларнинг фаоллашуви ҳам юз беради.

Эндотелиоцитлар дисфункцияси плазминоген-1 фаоллаштирувчи ингибитори миқдорининг кўтарилиши билан кечади ва унинг концентрацияси МСли аёлларда менопаузадан кейинги даврда ўртача $14,9 \pm 0,89$ Ед/мл га тенг бўлди, бу кўрсаткич таққослаш гуруҳига нисбатан 5,9 марта юқори. ИАП-1нинг юқори қийматлари протеин С синтези ҳисобига фибринолиз жараёнининг кучайишига олиб келмади.

Шунингдек, МСли аёлларда менопаузадан кейинги даврда эндотелий хужайралари дисфункцияси эндотелин-1 синтезини кучайтириб, унинг концентрацияси текширилган аёлларда ўртача $4,01 \pm 0,33$ пМоль/лга тенг бўлди. Унинг дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 1,9 марта юқорилиги ($P < 0,001$) эса эндотелийнинг фаоллашувидан далолат берди.

Олинган тадқиқот натижалари таҳлили МСли аёлларда менопаузадан олдинги даврда рекальцификациянинг фаоллашув вақти кўрсаткичининг ўртача 28,9% гача қисқаришини кўрсатади ($P < 0,001$).

МСли аёлларда менопаузадан олдинги даврда АЧТВ кўрсаткичи $29,2 \pm 1,87$ сонияни ташкил этган, буни текширувдан ўтказилган 10 нафар аёлда АЧТВ кўрсаткичининг 28 сониядан камроқ қисқарганида кўриш мумкин. Менопаузадан олдинги даврдаги аёлларда АЧТВ кўрсаткичи таққослаш гуруҳига нисбатан сезиларли 29,8% пастлиги аниқланди ($P < 0,05$).

Олинган натижаларнинг таҳлили МСли аёлларда менопаузадан кейинги даврда рекальцификация фаоллашув вақти кўрсаткичининг ўртача 34% қисқаришини кўрсатган ($P < 0,05$). Қисман фаоллашган тромбопластин вақти (АЧТВ) плазма ивишининг ички каскадини баҳолаш мақсадида скрининг тести сифатида қўлланилади, чунки мазкур тестда тўқима омиллари эмас, балки контакт фаоллашув фосфолипидларини тутувчи реагентлар қўлланилган. Бизнинг тадқиқотимизда МСли аёлларда менопаузадан кейинги даврда АЧТВ $27,3 \pm 1,27$ сонияни ташкил этади, текширилган 10 нафар аёлда унинг 26 сониядан камроқ тезлашуви аниқланди. Статистик таҳлилда менопаузадан кейинги даврда АЧТВ кўрсаткичи таққослаш гуруҳига нисбатан 25,0% гача кам бўлди ($P < 0,001$).

Менопаузадан кейинги даврда текширилган аёлларда қоннинг юқори коагуляцион фаоллиги юқори протеаза фаоллиги билан кўшилиб, тромбиннинг серин протеазаси миқдорининг ошишига олиб келади. Бунга жавобан, жигар фаол равишда эндоген гепарин иштирокида ўзига тромбинни бириктириш хусусиятига эга бўлган антитромбин III (табийий коагулянт)ни

ишлаб чиқара бошлайди. МСли аёлларда менопаузадан кейинги даврда хронометрик ва структур гиперкоагуляция текширилган аёлларда антитромбин III нинг 20,3% жадал ўзлаштирилишига олиб келди ($P < 0,01$).

МСли аёлларда менопаузадан олдинги даврда тромбоцитлар сони - $182,6 \pm 8,71 \cdot 10^9$ л.ни, таққослаш гуруҳида эса $256,0 \pm 11,32 \cdot 10^9$ л.ни ташкил этди ва бу мазкур кўрсаткичнинг ўртача 28,7% пасайишини кўрсатди ($P < 0,001$).

МСли аёлларда менопаузадан олдинги даврда дискоцитларнинг фоиз миқдорини ишонarli пасайиши аниқланди ва бу кўрсаткич соғлом аёллардаги $85,4 \pm 1,21\%$ гача қарши $71,2 \pm 1,21\%$ ни ташкил этиб, дастлабки кўрсаткичлардан 16,6% паст бўлади ($P < 0,001$). Мазкур тоифадаги аёлларда дискоэхиноцитларнинг фоиз миқдори ўртача 1,8 марта кўтарилиб, таққослаш гуруҳидаги $11,4 \pm 0,32\%$ га қарама-қарши $20,8 \pm 0,71\%$ ни кўрсатади.

2-жадвал

МСли аёлларда гемостаз тизими тромбоцитлар бўғими кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи

